



# Жанубий

# ҚОЗОҒИСТОН

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 2 апрель, сешанба, №36 (3382).

»» Президент

## ОФАТ АЙТИБ КЕЛМАЙДИ

ДАВЛАТ РАҲБАРИ МАМЛАКАТДАГИ СУВ ТОШҚИНИ ЮЗАСИДАН ФАВҚУЛОДДА ЙИГИЛИШ ЎТКАЗДИ



Президент Қасим-Жумарт Тўқаев мамлакатнинг қатор ҳудудларида сув тошқинлари оқибатида юзага келган фавқулодда вазият муносабати билан вазирлик йиғилиш ўтказди.

Унда Бош вазир Ўлжас Бектегов, Ҳукумат аъзолари, Президент Маъмурияти раҳбарияти ва бошқа расмий шахслар иштирок этди.

Давлат раҳбарига ҳудудлардаги бугунги аҳвол, хусусан, одамларни кутқариш, сув тошқинлари оқибатларини бартараф

этиш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

Президент Ҳукумат ва ҳокимлар фаолиятини танқид қилиб, фавқулодда вазият уларнинг ўз касбий бурчларига лоқайд муносабат туфайли юзага келганини айтди. Давлат раҳбарининг таъкидлашича, Ҳукумат ва маҳаллий ижро ҳокимияти идоралари ўртасида тизимли алоқа йўқ.

Қасим-Жумарт Тўқаев тошқиндан талофат кўрган ҳудудлар аҳолисидан юзага келган вазият учун узар сўраб, барча фуқароларга ёрдам берилишини айтди. Йиғилишда Давлат раҳбари

Ақтўбе, Қўстанай ва Ғарбий Қозоғистон вилоят ва шаҳарлари ҳокимлари томонидан селга қарши ўз вақтида чора-тадбирлар кўрмагани учун Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Роман Скляр ва сув ҳўжалиги ҳамда ирригация вазири Нуржан Нуржигитовга ҳайфсан эълон қилинди. Ақтўбе, Қўстанай, Ғарбий Қозоғистон вилоятлари ва шаҳарлари қатъий чоралар кўрилиши ҳақида огоҳлантирилди. Атиров, Ақмула, Алматы, Павлодар ва Абай вилоятлари ҳокимларига ҳайфсан эълон қилинди.

Президент тошқин оқибатларини бартараф этиш учун тезкор

ҳаракатлар билан бир қаторда тизимли чоралар кўриш зарурлигини таъкидлади.

Бош вазир раҳбарлигида Республика штабини ташкил этиш, шунингдек, барча минтақаларда селга қарши чораларни кучайтириш ва биринчи навбатда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш вазифаси топширилди. Давлат органларига тошқин натижасида етказилган зарар миқдорини аниқлаш ва эндиликда офатларнинг олдини олиш юзасидан мажмуавий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш топширилди.

Akorda.kz.

»» Сув тошқини



## ҲАРБИЙ УЧУВЧИЛАР ЁРДАМГА БОРИШДИ

ҚР Қуролли Кучлари Ҳаво ҳужумидан мудофаа кучларининг вертолёт экипажлари маҳаллий аҳолини сув тошқинлари оқибатларидан кутқариш, озиқ-овқат, иссиқ кийим ва дастлабки зарур маҳсулотларни етказиб беришда иштирок этмоқда, дея хабар беради ҚР Мудофаа вазирлигининг матбуот хизмати.

Кутқарув ишлари Ақтўбе, Қўстанай ва Абай вилоятларида олиб борилмоқда. Ҳарбий учувчилар томонидан 222 киши кутқарилиб, кўчирилди.

Фавқулодда вазиятлар хизматининг 19 нафар мутахассиси ҳалокат содир бўлган ҳудудларга сафарбар этилди.

Эвакуация марказларига 10 тонналик гуманитар ёрдам ҳосиласи уюштирилди.

Ҳаво мудофаа кучлари ходимлари экстремал шaroитларда кеча-кундуз ишламоқда. Кутқарув ишларига 7та вертолёт жалб этилган.

24.kz.

## ҚОЗОҒИСТОН ЖАҲОН МАТБУОТИДА

2024 йилнинг биринчи чораги тугади. Наврўзнинг сўнгги ҳафтасида хорижий нашрларда Қозоғистон ҳақида турли маълумотлар чоп этилди. Жумладан, Президентнинг Боао анжуманидаги иштироки, мамлакатда Хитой брендидаги автомобиль заводи барпо этилиши ва бошқа янгиликлар кенг ёритилди.



The Times of Central Asia: "Қозоғистон Хитойнинг КАИҮ бренди автомобилларини ишлаб чиқаришни бошлайди"

"Қозоғистоннинг Orbis Manufacturing транспорт компанияси Алматы индустриявий минтақасида Хитойнинг КАИҮ бренди остида автомобиллар ишлаб чиқарадиган тўлиқ цикли завод қуришни режалаштирмоқда", деб ёзади нашр.

Агентлик маълумотларига кўра, "Орбис Қазақстан" ҳозирда ишлаб чиқариш линиясининг лойиҳа-смета ҳужжатларини пухталашни якунламоқда. Заводнинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 80 минг дона автомобилни ташкил этади. Заводда дастлаб 1500дан зиёд иш ўрни яратилади.

Қозоғистон Президенти Қасим-Жумарт Тўқаев Хитойнинг Хайнань вилоятида ўтган Боао Осиё анжуманида иштирок этди ва фахрий меҳмон сифатида нутқ сўзлади.

Қ. Тўқаевнинг баёноти жаҳон оммавий ахборот воситаларида ҳам ёритилди.

Nova News: "Тўқаев дунёвий озиқ-овқат барқарорлигига ҳисса қўшмоқчи"

Болгариянинг Nova News агентлиги Қ. Тўқаевнинг Боао анжуманидаги баёноти ҳақида ёзди.

"Қозоғистон дунё аҳолисининг учдан бир қисми ҳанузгача бошдан кечириётган озиқ-овқат тақчиллиги масаласини ҳал қилиш учун дунёвий озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшиш зарурлигини таъкидлади ва бу ишга тайёр эканлигини маълум қилди", деб ёзади нашр.

TASS: "Қозоғистон дунёвий озиқ-овқат барқарорлигига таъминлашга ҳисса қўшиш ниятида"

Россиянинг TASS агентлиги ҳам Давлат раҳбарининг Боао анжуманидаги нутқига эътибор қаратди ва маълумот тарқатди.

Daryo: "Қозоғистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми рекорд даражадаги 41 миллиард долларга етди"

"Президент Тўқаев ўзгарувчан геосиёсий иқлим ва иқтисодий қийинчиликлар туфайли юзага келган дунёвий беқарорлик шароитида Боао анжумани мулоқот ва халқаро ҳамкорлик маркази сифатида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади", деб ёзади Daryo.

24.kz.

## ДОРИЛФУНУНДА ТЕЛЕСКОП ЯРАТИЛДИ

Аҳмад Яссавий номидаги университет олимлари томонидан "STEM ва креатив" ўқув лабораториясида телескоп яратилди.

Қурилма таълим муассасаси олимлари томонидан амалга оширилаётган "Муҳандислик-техника йўналишларида STEM таълими асосида талабаларни англиз тилида ўқитиш жараёнини ривожлантириш" грант лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилди.

Тадқиқот гуруҳи таркибига: лойиҳа раҳбари – физика кафедраси профессорлари Ш. Раманкулов, Б. Қурбанбеков, ўқитувчилар С. Пўлатули, Н. Жақилик, докторант Қ. Келесбаев, магистрант Я. Каримжанов ва бошқа ёш олимлар кирди.

Олимлар телескопни талабалар билан биргаликда синовдан ўтказишди.



## АСР МУТАФАККИРИ – ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙ

Туркистон шаҳридаги Хожа Аҳмад Яссавий номидаги ХҚТУда ўтган илмий-амалий анжуман шундай номланди. Халқаро тадбир буюк мутафаккир Хожа Аҳмад Яссавий таваллудининг 930 йиллигига бағишланди.

Анжуманни дорилфунун ректори Жанар Темирбекова очди.

– Муқаддас Туркистон шаҳрига хуш келибсиз! Тасаввуф таълимоти тарихига назар солар экансиз, авлиёларга энг бой диёр Туркистон эканлигига тан берасиз. Аҳмад Яссавий – туркий халқлар орасида янги бир тасаввуфий тариқат яратган ва тасаввуф шеърятга асос солган машҳур мутафаккир ижодқордир. Демакки, бу улуг тупроқ, оламшумул аллома, машҳур мутасаввуфларнинг буюк ва муборак тупроғидир. Хожа Аҳмад Яссавийнинг тасаввуф таълимоти тарихида тугган ўрни гоётада улкан, таъсир доираси

жуда кенг эди. Тадбирдан кўзланган мақсад – Хожа Аҳмад Яссавий таълимоти, унинг маънавий меросини бутун туркий оламга таништириш. Улуғ аллома Яссавий бобомиз туркий оламда ислом дини ва туркий тамаддунинг шаклланишида ҳам нақадар муҳим аҳамиятга эга бўлганини зиёлилар унутмаган. Тузумлар, мафқуралар ўзгарган бўлса-да, Яссавий қолдирган бебаҳо мерос саккиз асрдан кейин ҳам ўз қадрини йўқотгани йўқ. Мустақиллик тонгида ташкил этилган университетимиз халқаро мақомга эга бўлиб, Яссавий номини олди. Шу пайтдан эътиборан Туркистонда тўпланган барча зиё-



лилар вакиллари унинг таълимотини тарғиб қилиш, тегишли даражага, юксакларга кўтариш вазифасини зиммаларига олдилар. Бугун анжуманимизга мамлакатимизнинг 13 вилоятдан 140 нафар ўқитувчи ташриф буюришди. Шунингдек, Эрон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Афғонистондан Яссавий таълимоти ва ҳаётини ўрганувчи таниқли олимлар ҳам келган, – деди у ва мактаб ўқув дастурига "Яссавийшунослик"

фанини киритиш, ёш авлодни Яссавий таълимоти билан таништириш ва улуглаш ҳақидаги фикрларини билдирди.

Учрашувда Туркистон шаҳар ҳокими ўринбосари Мекенхан Қирқбаев шаҳар ҳокими Нурбўл Турашбековнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган махсус табригини етказди.

Тадбир давомида Қозоғистонда фан ходимлари кунига бағишланган фан ойлиги расман очилди. Анжуман

Эрон Ислому Республикаси Табриз университети доценти Хусайн Хўшбатенининг тақдими билан давом этди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Миллий университети олими Нодирхон Ҳасанов ва Қирғизистондан Юсуф Боласоғуний университети илмий ходими Тилек Тўқтосуновлар ҳам маъруза қилишди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



## ТЕЖАМКОР СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – ДАВР ТАЛАБИ

ҚР Сенати раиси Маулен Ашимбаев бошчилигидаги ишчи гуруҳ хизмат сафари билан Туркистон вилоятига келди. Сенат спикери раислигида Барқарор тараққиёт соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар ижросини назорат қилиш бўйича парламент комиссиясининг бешинчи мажлиси ўтди.

Тадбирда сув захираларидан самарали фойдаланиш ва санитария билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими Дархан Сатибалди ирригация соҳасини ривожлантириш борасидаги ишлар, масалалар ҳамда галдаги вазифалар ҳақида маъруза қилди.

– Парламент комиссияси мажлисининг Туркистон вилоятида ўтказилаётгани биз учун жуда муҳим. Давлат раҳбари ёнгичиликдан ҳосил бўлган сувларни тўплаш ва ундан деҳқончиликда унумли фойдаланиш мақсадида 20та янги тўғон барпо этиш, камида 15та сув омборини тубдан таъмирлаш юзасидан топшириқ берилган эди. Бугунги кунда вилоятда умумий қуввати 8,8

млрд. куб метрли 42та сув омбори мавжуд. Шу билан бирга, биринчи навбатда таъмирланиши зарур бўлган сув хўжалиги иншоотларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда. Бугунги кунда умумий қиймати 73,9 млрд. тенгелик 17та лойиҳа тайёр, – деди Дархан Сатибалди.

Вилоятда сувни тежаш технологияларини ишлаб чиқарадиган корхоналар очилмоқда. “BNK Group LTD” МЧБнинг йилига 1000 донга ёмғирлабтиб суғориш машиналари ишлаб чиқариш заводи ишга туширилади. Шунингдек, минтақа аҳолисини ичимли сув билан таъминлаш йўналишида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятимизга сафари давомида Маулен Ашимбаев раҳбарлигидаги

сенаторлар маҳаллий маслаҳат депутатлари ҳамда минтақа аҳолиси билан учрашди. Сенат раиси Давлат раҳбарининг Миллий қурултойда кўтарилган ташаббусларига атофлича тўхталди. Шунингдек, вилоят аҳолиси билан бирга минтақадаги муҳим масалаларни ҳал қилиш йўллари муҳокама қилди.

Вилоят иқтисодиётига 972 млрд. тенге сармоя жалб қилиниб, унинг ҳажми ортди. 2023 йилга режаланган 56та сармоявий лойиҳа тўлиқ амалга оширилди. Қурилиш ишларининг ҳажми 407,5 млрд. тенгени ташкил этиб, 11,1 фоизга ўсди.

2023 йили 899 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Амалга оширилган ишлар натижасида 3 мингдан зиёд оила ўз бошпанасига эга бўлди.

Хизмат сафари якунида Маулен Ашимбаев минтақанинг фаол ёшлари билан учрашиб, уларнинг саволларига жавоб берди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Тадбиркорлик – давр талаби

## САНОАТ ВА ҚУРИЛИШ ВАЗИРИ ТУРКИСТОНДА



Туркистон шаҳрининг “Бекзат” кичик туманида жойлашган индустриявий минтақада ҚР Саноат ва қурилиш вазири Қанат Шарлапаев вилоятимизда фаолият юритаётган корхона раҳбарлари, тадбиркорлар билан учрашув ўтказди.

Туркистон индустриявий минтақасида яқин уч йилда 17701та янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган (қиймати 2,2 трлн. тенге) 145та лойиҳани ҳаётга тадбиқ этиш кўзда тутилмоқда.

Хусусан, жорий йилда умумий қиймати 116,8 млрд. тенгени ташкил этувчи (2195та янги иш ўрни яратилади) 44та лойиҳани амалга ошириш режаланмоқда. Туркистон вилояти ва мамлакатимизнинг турли минтақаларида фаолият юритаётган ташкилот раҳбарлари ва тадбиркорлар, хусусан, Гулмира Абишева, Нурлан Шерхонов, Мадихон Собировлар ишлаб чиқариш, қурилиш, электр, транспорт, темирйўл хизмати,

таъминот, нарх-наво, иш кучи каби турфа масалалар юзасидан вазирга ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари Нуралхан Кўшеровага мурожаат қилиб, атофлича жавоб олдилар.

Қ. Шарлапаев ҚР Президенти Қ. Тоқтаев тавсияси билан Хукулатимиз томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ҳамда янги иш ўринларини барпо этиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар, давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар ҳақида маълумот берди.

Ш. МАДАЛИЕВ.  
Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

## ХИТОЙДА ҚОЗОҒИСТОН САЙЁҲЛИГИ ЙИЛИ ОЧИЛДИ

2023 йилда Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Хитойда сафари натижалари бўйича “2024 йил – Хитойда Қозоғистон сайёҳлиги йили” деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Пекин шаҳрида 28-29 март кунлари режалаштирилган Хитойда Қозоғистоннинг сайёҳлиги йилининг расмий очилиш маросими ўтди.

Халқаро учрашувда Қозоғистон делегацияси ҳам иштирок этди. Унинг таркибиде Бош вазир ўринбосари ва Ташқи ишлар вазири Мурат Нуртйлеу, Сайёҳлик ва спорт вазири Ермек Маржипаев, шунингдек, ҳокимликлар, “Kazakh Tourism” Миллий компанияси, “Атамекен” МТП-нинг вакиллари ва 150дан зиёд маданият арбоблари бор.

Тадбирда 17та вилоятнинг тарихи, маданияти ва сайёҳлик салоҳияти билан таништирилди. Туркистон вилоятининг ахборот майдони хитойликлар эътиборини тортиди. Хожа Аҳмад Яссавий макбарасининг, “Жер ана”, қозоқ ботирилари макетлари кўпчиликни лол қолдирди. Меҳмонларга хунармандчилик буюмлари, миллий таомлар, сайёҳлик йўналишлари эсдалик совғалар тақдим этилди. Жумладан, Туркистон вилояти маданият ва сайёҳлик бошқармаси, “Open Turkistan” сайёҳлик ахборот маркази, “Керуен Сарай” мажмуаси, “Turan tour” туроператори, вилоят хунармандлар уюшмаси фаол иштирок этди.

## ИНТЕРНЕТ СИФАТИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди “Транстелеком” ҲЖ бошқарма раҳбари Суйениш Абдилдинни қабул қилди. Учрашувда вилоятда интернет сифатини яхшилаш, қишлоқлар, таълим масканларини кенгроқ қамраш масалалари муҳокама қилинди. Минтақа раҳбари ҳамкорликни мустақамлаш ва истиқболли лойиҳаларни ҳамкорликда амалга оширишга тайёр эканлигини таъкидлади.

Йиғилишда С. Абдилдин компаниянинг вилоятдаги фаолияти ҳақида ҳисобот берди. Унинг сўзларига кўра, вилоятнинг 8 мингдан зиёд фойдаланувчилари, 389 мактабга “Транстелеком” ҲЖ томонидан хизмат кўрсатмоқда. Компания Туркистон шаҳрида алоқа сифатини яхшилаш учун 2022-2023 йилларда 200 млн. тенге сармоя киритиб, жами 240 киши иш билан таъминланган. Шунингдек, 145 кўп қаватли бино ушбу компания хизматларига уланган.

Йиғилишда вилоят рақамлаштириш, давлат хизматлари ва архивлар бошқармаси раҳбари вазифасини бажарувчи Даулет Жасарнинг маърузаси тингланди.

## ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ БАРПО ЭТИЛАДИ

Кентов шаҳрида давлат-хусусий шериклик дастаги орқали янги газ турбиналар электр станциясини қуриш режалаштирилмоқда. Лойиҳанинг минтақа учун аҳамияти улкан. Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди сармоядорлар билан учрашиб, ушбу масалани муҳокама қилди. Лойиҳанинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятини инобатга олган ҳолда, ҳокимлик лойиҳани амалга оширишни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Салоҳиятли сармоядор томонидан қуввати 240 МВт.ли станция барпо этиш таклиф қилинмоқда. Сармоя ҳажми 140 млрд. тенгени ташкил этади. Лойиҳани уч йил давомида ишга тушириш режалаштирилган.

Кентов шаҳридаги 5-сонли иссиқлик ва қувват маркази 90 йил муқаддам барпо этилган. Бу ердаги асосий ускуналарнинг 85 фоизи эскирган. Ҳозирда ушбу марказ 14 минг фойдаланувчига хизмат кўрсатмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Туркистон шаҳрида “AMANAT” партияси қошидаги Уюшган жиноятчиликка қарши ҳаракат бўйича Республика Кенгашининг сайёр йиғилиши ўтди.



Кенгаш раиси, Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси депутаты Ерлан Саиров бошчилигида ўтган йиғилишда вилоятимизга хизмат сафари билан келган Кенгаш аъзолари, “Генераллар кенгаши”

## УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК – ТАНАЗЗУЛГА ЙЎЛ

С. МАДАЛИЕВ. ЖЕМОҚОРЛЫҚКА ҚАРСЫС-ҚИМБЫЛ ЖҮРГІЗІЛГІН РЕСПУБЛИКАЛЫҚ КЕНЕСТІҢ КӨШПЕЛІ ОТЫРЫСЫ

РЖБнинг Астана шаҳри филиали раиси Умиртай Битимов иштирок этди. Тадбирда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов, прокурор Мурат Тлеубердиев, полиция

департаменти раҳбари Мурат Қабденов, ҚР Уюшган жиноятчиликка қарши кураш агентлиги вилоят бўйича департамент раҳбари Мурат Тўлеубаев, “AMANAT” партияси Туркистон вилояти филиали раиси Алтинсары Умбеталиев, туман ва шаҳар ҳокимлари, партия филиалининг мутасадди ходимлари иштирок этишди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов кўтарилган масалалар юзасидан маҳаллий ижроия органларида уюшган жиноятчиликка оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги тадбирлар ҳақида маълумот берди.

Кенгаш раиси Ерлан Саиров тадбирдан кўзланган мақсад жазолаш эмас, балки уюшган жиноятчилик каби иллатнинг бартараф этилишига ҳисса қўиши эканлигига эътибор қаратди.

Қозоғистоннинг Хитойдаги сайёҳлик йили доирасида вилоятимизнинг маданият ва сайёҳлик соҳаси вакиллари Хитой пойтахтига ташриф буюришган эди. Хусусан, вилоят кутубхонаси раҳбарияти Хитой Миллий кутубхонасидаги ҳамкасбларининг иш тажрибаси билан танишишди.

– Пекин шаҳридаги ушбу кутубхонада аjoyиб муҳит яратилганки, буни таърифлашга тил ожиз. Бир вақтнинг ўзиде уч қаватда 500 мингга яқин китобхон турли адабиётларни муталаа қилмоқда. Бу биринчидан. Иккинчидан эса бу ерда сукунат ҳукмрон. Учинчи хусусияти – ўқувчига хизматдан фойдаланиш учун қулай шaroитлар яратилган. Хизматлар автоматлаштирилган. Китобларни терминаллардан олишар экан. Бундан



## МАЪНАВИЯТ ҚАДРЛАНГАН ЮРТ

ташқари, хитойликлар бизнинг миллий либосларимизга қизиқиш билдиришди. Қозоғистонни кўпчилик билмас экан. Аммо Димаш ва Головкин орқали анча маълумотга эга экан. Хитойликлар китобхон миллат эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Олам-олам таассурот олиб, фойдали тажрибага эга бўлдик, – деди Жанат Шардарбекова.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Пекин шаҳрида Хитойда Қозоғистон сайёҳлиги йили доирасида Туркистон вилояти ҳокимлиги “NAURYZFEST” байрам тадбирини ташкил этди. Унда ҚР Туризм ва спорт вазири ўринбосари Ержан Еркинбаев қатнашиб, иштирокчиларга муваффақиятлар тилади.



## Пекинда – “NAURYZFEST”

Концерт майдониде томошабинлар миллий таомлар дастурхонига таклиф этилиб, вилоятнинг сайёҳлик салоҳиятини ёритувчи варақалар тарқатилди.

Вилоят ижодий жамоалари томошабинларга қозоқ халқининг энг сара куй-қўишқ ва рақсларини тақдим этишди. Хусусан, “Сўгир” қозоқ миллий-чолғу асбоблари оркестри, «Яссы» рақс дастаси, «Таңба» этноквартети ва хонандалар Пекин шаҳри аҳолиси ва Хитой қозоқларига руҳий мадад берди. «Шашу», «Гёккү», «Туркистан», «Сарыарқа», «Сўгирдің термесі», «Махамбет», «Отан» ва бошқа сара асарлар ижро этилиб,

театрлаштирилган сахна кўришилари намойиш этилди.

ҚРнинг Хитойдаги Элчихонаси ва Туркистон вилоят маданият ва туризм бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган “NAURYZFEST” тадбирида вилоятнинг туризм ва маданият соҳаси вакиллари иштирок этди.

2024 йил – Қозоғистоннинг Хитойда сайёҳлик йилининг расмий очилиш маросими Пекин шаҳрида 28 март куни бошланди. Халқаро сайёҳлик кўрғазмасида Туркистон вилояти фаол иштирок этиб, 2-ўринни эгаллади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Жамоат ишлари – “Мавқе маркази” томонидан ташкил этиладиган, ходимнинг бандлигини вақтинча таъминлаш учун, олдиндан касбий тайёргарлигини талаб қилмайдиган ижтимоий фойдали меҳнат фаолияти турлари. Жамият хизматларини “Мавқе маркази” иш берувчиларнинг аризалари асосида ташкил этилади.

Жамоат ишининг давомийлиги 12 (ўн икки) ойдан ошмайди.

Жамоат ишлари куйидаги хусусиятларга эга: минтақа учун иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан фойдали;

махсус маълумотга эга бўлмаган одамларга вақтинча иш топиш имконияти берилади.

Жамият хизмати учун:

- 1) ишсизлар;
- 2) бую вақтлари талабалар ва ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари соғлигига зарар етказмайдиган ва

ўқув жараёнини бузмайдиган ишларда;

3) асосий иш ўринлари тўхтаб қолиши туфайли бандлиги таъминланмаган шахслар иштирок эта олади.

Жамоат ишларида иштирок этиш учун номзодлар куйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

- 1) шахсни тасдиқловчи ҳужжат
- 2) ҚР Меҳнат кодексининг 35-моддасига мувофиқ бандлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (бор бўлса);
- 3) Агар мавжуд бўлса, маълумоти тўғрисидаги ҳужжатни (аттестат, шахсни тасдиқловчи ҳужжат, диплом), шунингдек, ўқишни тугатганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (шахсни тасдиқловчи ҳужжат, сертификат) билан бирга ушбу Қондаларга 2-иловага мувофиқ “Мавқе



маркази”га ариза юборади.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган талабалар ва жамоат ишларида иштирок этишни истаган ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, шу жумладан:

- 1) ота-оналардан ёки қонуний вакиллардан бирининг ёзма равишдаги розилиги;
- 2) таълим муассасасининг

ўқув жараёнидан ташқарида жамоат ишларида иштирок этишга ёзма равишдаги розилиги.

Ўйланма олиш учун яшаш манзилингиздаги “Мавқе маркази”га мурожаат қилишингиз мумкин.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

## ЖАМОАТ ИШЛАРИ ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ

### »» Ҳўлаётган одам

*Муқаддас Рамазон ойининг поёнига етишига ҳам саноқли кунлар қолди. Оила аъзоларимизга имкон қадар турфа хил егуликлар, турли пишириқлар тайёрлаб, уларнинг кўнглини олиш ҳаракатида бу азиз кунларни ўтказиб бораверар эканмиз. Вақт ўтиши билан мушоҳадаларингизга, шу билан бирга дунёни қабул қилишдаги фикрлаш йўсинингизга ҳам ўзига хос таҳрир кириб келаверар экан.*

## НЕЪМАТЛАРНИНГ УВОЛИДАН ҚЎРҚАМИЗМИ?!



Неъматларга шукрона қилиш

учун зўр имкониятдан фойдаланишни эслатиш баробарида сабаботлар билан сийлаш ниятида бозорга отландим. Қайта-қайта боравермай, деган мақсадда икки қўлимни тўлдириб бозорлик қилишга ҳаракат қилдим. Харидимдан кўнглим тўлмай, помидор растасига ақинлашдим. Вилоятимиз иссиқхоналар сони бўйича мамлакатимизда биринчи ўринда туришига қарамай бодринг, помидор нархи ҳамон 700 тенге устиди. Шу ерда ибратли воқеанинг гувоҳи бўлдим...

Олдимдаги харидор икки дона бодринг харид қилди.

– Пенсияга ҳали бироз бор, пулимга ярашасини оляпман, – деди. Славян миллатига мансуб опадан чиройли сабоқ олдим.

Қандай мавсум бўлишига қарамай, таомномасида сабаботларга алоҳида эътибор қаратишдан ва энг муҳими, пулига яраша харажат қилиши, таомланиш тарзида ҳам исрофга йўл қўймаслигидан мутаассир бўлдим. Бизчи, биз, Рамазон рўзасини тутиб, ушбу муқаддас ойни ибодатда ўтказишга ҳаракат қилаётган диндошлар, бошқа дин вакилларига қандай фазилатларимиз билан ўрнак бўлапмиз, хулқ-атворимизни, турмуш тарзимизни инсонлар билан муносабатларда латиф тарзда акс эттири оляпмизми, уларнинг ҳавасини келтиряпмизми, деган саволлар исқанжасида қолдим.

Мусулмонлигимиздан фахрланамиз. Жуманинг асл моҳиятини у қадар англашга қодир бўлмасакда, уяли телефонларимиз орқали бир-биримизга “Жума ҳаборақ” мавзусидаги видеоларга ёки суратларини юборишдан чарчамаймиз. Гўёки унинг мубораклиги фақат шунда, ҳолос. Фақат жума муборак кун деб ким бизга айтди, бундай хулосага қайси тафаккуримиз оқибатида келдик, ҳайронман. Аслидаку, бизга тириклик насиб этган ва яшаётганимиз – пайшанба ҳам муборак, чоршанба ҳам бошқа кунлар сингари азиз ва бетакрор ҳамда қилган амалларимизга қараб нури кун эканлиги билан китобимизни солиқ амаллар билан бойитишга янги имкониятлар сийлашга эътибор берсак, бўлгани.

Жума мавзуси келганда фурсатдан фойдаланиб, намозхонларимиздан бир илтимосимиз бор. Сиз масжидга ибодат учун миниб келган, ўша даҳадаги зарур масканларга кириш ҳамда чиқиш йўлини тўсиб қўйган темир уловингиз бошқа ҳамюртларимизнинг тирикчилиги учун халақит бермайдиган шундай тadbир қилинганки, токи бу ҳаракатингиз ҳамюртларимизни Исло динидан, айниқса, жума намозидан бездириб қўймасин. Сиз тафаккурга берилиб, юрагингиз сел бўлиб, имомнинг мавзизасини бутун танангиз қулоқ бўлиб тинглаётганда бировнинг дарвозасига тақаб қўйган машинангиз туфайли ўша уй соҳиби оғриб қолган фарзандини касалхонага ўз машинасида етказиб боролмаслигиндан хуноб. Бошқа намозхонларнинг автойўлга транспорт воситаларини “намозга шошиб” қўйиб кетганлиги туфайли “тез ёрдам” ёки ўт ўчириш машиналарига ҳам йўл йўқ. Энди айтганчи, бундай ибодатларингиз савобидан ҳали ҳам умид қияпсизми? Нима учун одамлар сиз туфайли юзага келган ноқулайликлардан азият чекишлари жоиз?

\*\*\*

Телефонимга бегона рақамдан кўнғироқ чалинса, юрагим “шув” этади. Аксарият ҳолларда банкда қарзини тўлай олмаётган танишларим ёки кўни-кўшнларнинг қарзларини тўлашни шунчаки эслатиб қўйиш мақсадида колленторлар кўнғироқ қилишади. Instagram, Tik Tok ва бошқа ижтимоий тармоқларда фаол, топаётган даромади билан кўпчиликнинг ҳавасини келтираётган танишларимнинг қайси банкдан қанча қарзлигини, шундай ҳолатлар билан, ўзим билмаган ҳолатда воқиф бўлиб қолаётганимдан афсусдаман. Бироқ иложим ҳам йўқ. Сизнинг қайси банк билан қандай муаммоларингиз борлиги мен учун қизиқ эмас, фақат “илтимос, кафил сифатида менинг телефон рақамимни берманг”, дейишдан чарчадим. “Ажойиб ва файзли кўнларингизда мени эсламаганингиздек, илтимос, қарз юки бошингизга тушганида ҳам мени тамомила унутинг”, дейман уларга такрор ва такрор...

Хар қандай неъматлар учун келгусида сўралишимиз муқаррарлигини афсуски унутиб бораёямиз. Ифторликлардаги ким ўзарга ёзилаётган эҳсон дастурхонларини айтмай қўя қолайлик. Ҳамюртларимиз хонадонлари қолиб, тамадхоналарда, чойхоналарда ифторлик қилаётганликлари бир томондан тўкинликнинг аломати, тadbиркорликка барака, деймиз. Иккинчи томондан бундай серобликни кўраётган аксар фарзандларимиз неъматлар шукронасини келтириш фикридан жуда олислаб боришмоқда. Бунда катталар бу ишда намуна бўлиб улгуршмаепти, тўғриси. Ойнинг муқаддаслиги моҳиятини англайвермаймиз, афсус. Неъматларнинг сўрови борлигига «Сўнгра ана ўша Кунда, албатта, (сизларга ата этилган барча) неъматлар тўғрисида сўроқ қилинурсизлар!» (Тақосур, 8) деб Аллоҳ ўз Каломида бежиз марҳамат қилмаган. Эҳсон тadbирлардан асосий мақсад муҳтожларга моддий ёрдам қўрсатиш жозилиги тўғрисида Сарвари Олам (с.а.в): “Таомларнинг ёмони қорни очлар қолиб, қорни тўқлар қақиролган зиёфатдир”, ҳадисида уқур берганликларига ишора бу. Агар бизнинг ифторликдаги шохона дастурхонларимизга аксар ҳолларда қоринлари очлигидан ошқозонда пайдо бўлган очлик ҳиссини сўндириш учун қоринларига тош боғлаб юрган Сарвари олам (с.а.в) гувоҳ бўлсалар, унинг муносабатлари қандай бўларди, бир тасаввур қилиб кўрайликчи...

Устозларим доим бир фикрни мудом такрорлашади – ҳаётда ҳеч нарса тасодиф эмас. Нафақадор аёлнинг икки дона бодрингни харид қилиб, даромадида яраша яшаш тарзи мена сабоқ, неъматлар шукрини қилайлик, фикрлар эса сотувчининг харидорнинг бундай ҳолатига масхааромуз муносабатидан сўнг туғилди. Кам таъминланган, ёлғиз кексалар, кўп болали оилаларнинг қўли калталлик қилаётган ҳолатларига муносабатимиз борасидаги фикрларим билан кимнидир хафа қилган бўлсам, маъзур тутинг – муқаддас ойда ибодатларимиз тўқис бўлсин.

**М. САЪДУЛЛАЕВА.**

### ЎЛИМ ҲИДИ

– Қўшни, илтимос, менга ёрдам беринг, – дея ёш жувон Сарюғочдаги Сиргели қишлоғининг бир фуқаросига мурожаат қилди.

– Нима бўлди?

– Биласизми, қўйнинг гўштини бурдалаб, музлатгичга қўйишга улгурмадим. Иссиқдан кўча ёняпти. Оқибатда гўшт бузилди. Эрим билиб қолса, нақ ўлдирарди. Ҳамма умидим сиздан. Турмуш ўртоғим уйда йўқлигида гўштни қишлоқдан узоқроққа олиб чиқиб ташлаш керак.

Кичик автобус эгаси, одам ташиш билан тирикчилик қилиб юрган қўшни рози бўлди. «Бўш вақтим бўлган заҳоти, дарров ишингни битириб бераман».

Эртаси кўни тушлиқдан кейин у қўшни аёлга: «Кел, қўйингни чикиндихонага олиб борайлик», – деди.

Аёл кўнамади: «Ҳозир бўлмайти. Келинг, яхшиси, бунни тунда қилайлик, шунда биров кўрмайти. Биз уни узоқроққа олиб бориб, Келес дарёсига ташлаб юборамиз. Ахлатхонага боришнинг кериғи йўқ. Одамлар кўриб қолса, гап-сўз кўпаяди».

Кечкурун у яна қўшнисига илтимосини эслатди: «Икки-уч соатдан кейин бизникига келинг, эрим эртага уйга келар экан».

Ярим тунда қўшни эркак машинасини аёлнинг ҳовлисига ҳайда кирди. «Бу ишларни кундуз кўни қилсак ҳам бўларди-ку!», деди у норозилик билан. «Нима учун бемаҳалда ўра-чуқурларда юриш керак, яна одамлардан яшириниш керак, тушунмадим?»

Уй бекаси омбухонага ишора қилди. У ерда қопқоқлари маҳкам ёпилган иккита катта пластик бочка турган экан. Улардан ҳаддан ташқари, кўнглини айни-тадиган даражадаги бадбўй ҳид чиқарди. Қўшни эркак машина олдига бирин-кетин бочкаларни олиб келди ва бағажникни очди. Ва у аёлга ўғирлиб: «Ҳой, қўшни, ростини айт, бу бочкаларда нима бор? Бузилган қўй гўшtidан бунақа ҳид чиқмайди-ку. Нима учун одамлардан яшириниб, бу бочкаларни Келесга ташлаш керак?!».

У қопқоқни очиш учун энгашганида аёл унинг олдига югуриб бориб, йўлини тўсди. Аммо қўшни барибир бочканинг қопқоғини бураб, очиб кўрди.

Даҳшат. У худди даҳшатли фильмдаги каби, чироқ нурида кесилган одам бармоқларини кўрганга, ҳушидан кетаёзди.

Дарҳол «102»га телефон қилди. Зудлик билан етиб келган полиция отряди бутун Сиргелини ўйғотди. Полиция уй бекаси Қарлиғаш (исми ўзгартирилган) ва даҳшатли бочкаларни олиб кетди.

Бутун қишлоққа турли миш-мишлар тарқалди. Аммо оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда бу воқеа унчалик ошкор этилмади.

Ҳолбуки, машъум воқеа 2023 йил август ойида содир бўлган эди.

Ва бундан бир ой муқаддам, июль ойида, худди шу Сарюғоч туманида, Жибек Жўли қишлоғида, беш ёшли қиз зўрланган ва шафқатсизларча ўлдирилган эди. Ушанда бутун мамлакат бу ҳақда бонг урган эди. Шунинг учун ҳуқуқтартибот идоралари Сиргелидаги фожиа билан оловга мой қўймасликни маъқул кўрди.

### КИМ АЙБДОР?

34 ёшли Қарлиғаш қилмишига дарҳол иқдор бўлди: «Ҳа, эримни мен ўлдирдим».

Яна қўшиқ айтишни жону дилидан яхши кўришини, ажойиб овози борлигини айтиди. Мактаб ёшидан хонанда бўлишни орзу қилишини, Tik Tokка қўшиқлари билан видеоларини жойлаштирганини ҳам яширмади. Эрига эса бу иши ёқмаган. Навбатдаги видеодан кейин уйда жанжал бўлган. Аёл калтак ҳам еган. «Столда тарвуз турган эди, ёнида эса пичоқ... Мен пичоқни олиб, эримнинг бўйнига урдим. Учи бўйнидаги нафас олиш йўлига кириб кетди. Қон отилди. Ва у вафот эт-

## СИРГЕЛИДАГИ ҚОНЛИ ФОЖИА

**ХОТИНИ ЭРИНИ ЎЛДИРДИ ВА ТАНАСИНИ БУРДА-БУРДА ҚИЛИБ ТАШЛАДИ...**

ди», дея воқеа тафсилотларини гапириб берди аёл.

Кейинчалик у дастлабки кўрсатмаларини ўзгартира бошлади: «Эрим ниҳоятда золим эди, ҳаётимни дўзахга айлантирди ва ҳоказо». Уша умидсиз пайтда у ўзини ҳимоя қилишга мажбур эди, шунинг учун қўлига пичоқни олди. Ва ҳаммаси фожиа билан хотима топди – яна эрининг туғилган кунидан олти кун аввал-а...

Улар тенгур эдилар – яъни, 1989 йилда, аёл 4 сентябрда, турмуш ўртоғи эса 16 августда туғилган. Бир-бирларини мактаб давридаёқ яхши кўришган. Ҳаётдаги орзу-мақсадлари ҳам ёрқин бўлган. 19 ёшида турмуш қуришган. Катта ўғли ҳозир 14 ёшда, кенжаси 10 ёшда. Энг ёмон тушларида ҳам оилавий ҳаётлари шу тарзда фожиали туғашларини тасаввур ҳам қила олмаганлар.

Бу воқеа чиндан қандай содир бўлганини Қарлиғашнинг ўзига билади ва бу унинг виждонига ҳавола. У полицияни чақирмади, тавба-тазарру қилмади ва ҳамма изларни яширишга ҳаракат қилди. Аёл ўз режасини тузди. У жасадини омбурага яширди. Уйдаги қон изларини ювди.

Сўнг Қоплонбек қишлоғига борди. У ерда иккита пластик бочка сотиб олиб, уйга олиб келди. Кейин қўлига болта олиб, энг даҳшатли жараёнга киришди: эрининг жасадини қисмларга ажратиб, бурда-бурда қилиб ташлади. Ва тана бўлақларини бочкаларга жойлади, қопқоқларини маҳкам ёпди.

Бу ишларни тамомлағач, бошқа масалани ҳал қилишга ошиқди. У эри BMW машинасини дўстига сотмоқчи эканлигини ҳам биларди. Қарлиғаш турмуш ўртоғининг уяли телефонини олиб, Ватцап орқали тайёр харидорга хабар юборди: «Пул билан келинг. Мен зудлик билан машинани сотаяпман». Харидор ҳам дарҳол етиб келди. Сотувчининг хотини уни куйидаги сўзлар билан кутиб олди: «Эрим ҳозир уйда эмас. Лекин у менга сиздан 2 миллион 300 минг тенге олиб, калит ва машинани бериб юборишимни тайинлади. Битимни кейинроқ расмийлаштирамиз».

Ҳеч нарсадан хабари йўқ харидор шундай қилди ҳам: пулни топширди ва сотиб олган машинасининг тезлигини оширди.

Энди Қарлиғаш кеч бўлишини кута бошлади, қўшини билан бирга эрининг тана қолдиқлари тўлдирилган бочкаларни Келес дарёсига ташлаши керак. У жиноят изларини йўқота олишига амин эди. Одамларга эри машинанинг пулини олиб, у гоийб бўлди, деган гапни айтишни ҳам уйлаб қўйган эди. Қаерга кетганини ҳам билмаслигини, уни икки фарзанди билан ташлаб кетганини айтмоқчи эди...

Аммо ниятлари амалга ошмади. Хушёр қўшни сезиб қолди ва бевоисита ўта оғир жиноятда иштирокчи бўлишдан ўзини асраб қолди.

### БАХТСИЗ БОЛАЛАР

Бу фожидадаги аянчли тақдир болалар зиммасига тушди. Улар ҳам отадан, ҳам онадан айрилишди, она узоқ муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилди, ота эса бевақт ҳалок бўлди.

Ҳолбуки, ўғиллар ҳам анойи эмас, айниқса каттаси. Қотиллик улар яшаб турган уйда содир бўлган. Эҳтимол, онанинг мурдани бурдалаб, бўлақларга ажратаётган ҳолати ҳам улар учун сир бўлмас керак.

Болалар даҳшатли руҳий зарба олишгани рост. Улар қаттиқ кўрқиб қолишган. Уларнинг нутқида жидадий муаммолар бор, сўзларни зўр-базўр талаффуз

қилишмоқда. Ҳаммадан ва ҳамма нарсадан кўрқишади. Уларга жиддий даволаниш ва узоқ муддатли тиклаш муолажалари керак.

Суд болаларни васийлик органларига топширди. Хўш, кейин-чи, нима бўлади? Она томондан бобо ва бувилари ногирон эканлар ва ўзлари ёрдамга муҳтож. Оталари томондан бобо-бувиларининг саломатлиги яхши бўлгани билан, ўғилларининг ўлими уларга жуда қаттиқ таъсир қилган.

### 15 ЙИЛ — ҚАМОҚХОНА ДЕВОРЛАРИДА

Судгача тергов натижаларига кўра, Қарлиғашга ўта шафқатсизлик билан қотиллик содир этиш (Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 99-моддаси, 2-қисми, 5-банди) ва фирибгарлик – бировларнинг мулкни ўғирлаш (ҚР Жиноят кодексининг 190-моддаси, 1-қисми) каби айбловлар қўйилди. Айтганча, иккинчи айблов ўлдирилган эр машинасини сотиш билан боғлиқ.

Судда аёл фақат 190-модда бўйича айбини тан олди. Унинг сўзларига кўра, у ўзини золим эрдан ҳимоя қилган, ҳолос. Ва кутилмаганда мудҳиш воқеа содир бўлди, у бундан чуқур афсусда.

Мазкур иш Туркистон вилояти ихтисослаштирилган туманлараро жиноят судида кўриб чиқилди.

1 март кўни ҳукм эълон қилинди. Суд 34 ёшли аёлни қотиллик ва фирибгарликда айбдор деб топди. Ва унга 15 йиллик қамоқ жазоси тайинлади.

Ҳукм ҳали кучга кирмади. Маҳкума шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

\*\*\*

Ушбу фожиа Қоплонбек қишлоқ округидаги Сиргели қишлоғида содир бўлди ва бу яна Сарюғоч туманидир. Сўнгги йилларда туман шов-шувли жиноятлар билан барчанинг эътиборига тушмоқда.

Қишлоқда хурмат-эътиборга эга бўлган оилаларда рўй берган ифлос воқеа, яъни, ёнини оладиган меҳрибони бўлмаган бахтиқаро етим болани жинсий қулга айланттириш ҳолати ҳали унутилмади. Инглиз тилини чуқур ўргатишга ихтисослашган хусусий мактабни босқинчилик йўли билан босиб олиш ҳолати ҳам вилоятда биринчи бўлиб Сарюғоч туманида содир этилди. Босқинчи ўқитувчи аёллар судланишди.

Маҳаллий журналистни ўлдирдиш учун буюртма берган киши – туманнинг бош ўқитувчиси, Сарюғоч туман таълим бўлими раҳбари эканлиги маълум бўлганда, бу воқеа катта шов-шувга сабаб бўлди.

Ўтган йили Сарюғоч туманида бирдан иккита даҳшатли воқеа содир бўлди. Жибек Жўли чегара қишлоғида қотиллик учун судланган рецидивист-жиноятчи беш ёшли қизни зўрлаб, танасини бурдалаб ташлаган эди.

Бутун қишлоқ бундан норози бўлиб, қаҳр-ғазабини очиқ намоён этди. Зўравон умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилди. Мана энди Сиргелидаги қотиллик. Ёш жувон бир вақтлар севган инсонини сувоққонлик билан ўлдирди ва жасадини бурдалаб ташлади.

Кўриб турганингиздек, шифобахш маъдан суви билан бутун мамлакатга машҳур Сарюғоч туманида бу каби даҳшатли жиноятлар статистикаси ҳам мавжуд.

Бу даҳшатли ва қайгули ҳақиқат.

**Татьяна КОРЕЦКАЯ.**

»» Ёнғин – тилсиз ёв

## ИРМОҚЛАР ТУТАШСА – ДАРЁ БЎЛАДИ

ЧИПОН ҚИШЛОҒИДА ЁНҒИДАН ЖАБР КЎРГАН АБДУҚАҲҲОР ДАДАХОНОВНИНГ ОИЛАСИГА КЎПЧИЛИК ҲИММАТИ БИЛАН ЯНГИ УЙ ҚУРИБ БЕРИЛДИ



“Улес” хайрия жамоат бирлашмаси раиси Райимжон Қўчқоровнинг таклифи билан вилоят оқсоқоллар кенгаши раиси ўринбосари Тўлқин Саидмуродов ҳамроҳлигида А. Дадахоновлар хонадонига ташриф буюрди.

– Декабрь ойида уйимизда ёнғин содир бўлди. Саросимада бирорта уй анжомлари, ҳатто ҳужжатларимизни сақлаб қололмадик. Туман ва қишлоқ ҳокимлари Мақсат Танғатаров билан Турабай Асқарули барча ҳужжатларимизни тиклаб беришди. Ҳамқишлоқларим, ҳамкасбларим барча Ҳимматли инсонлардан чексиз миннатдорман. Наврўз байрамигача янги уй қуриб беришди, – деди умр йўлдоши Гулнора Файзулла қизи билан беш нафар фарзанд тарбиялаган хонадон соҳиби ҳаяжон ила.

Қаҳратон қиш соғуғида беш хонали янги уйни пойдеворидан қайта тиклаб қуриб беришда доимий обунчиларимиз – Ихтиёр Мадаминов раҳбарлик қилаётган DIVALUX мебель корхонаси, Собир Отаев етакчилигидаги “Ақ жол” МЧБ,



қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Жумадулла Абенов имомлик қилаётган “Миср” масжиди намозхонлари, Саврон тумани маслаҳати депутати Нурсултон Абдуллаев, Югнак қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Иброҳим Отажонов, А. Югнакий, М. Маметова номли мактаблар жамоалари, Ҳимматли инсонлар кўмағида янги уй барпо этилди.

Ижтимоий тармоқ орқали кўпчилики хайрли ишга сафарбар этган “Улес” раҳбари

Р. Қўчқоров Ҳимматли инсонларни савобли ишга сафарбар этишда улкан жонбозлик кўрсатган Шохрух Исоевга “Қозоғистон ватанпарвари” кўрак нишонини тантанали равишда тақдим этиб, миннатдорчилик билдирди. Бир оила бошига тушган қулфатни кўпчилик бўлиб бартараф этган чипонликлар, шу хайрли ишга ҳисса қўшган инсонларнинг саховати барчага ибрат.

Ш. МАДАЛИЕВ.  
Муаллиф суратга олган.

## ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИ МУҲИМ

Ўзбекили Жанибеков номидаги Жанубий Қозоғистон педагогика университетиде Туркистон вилоят фахрийлар кенгаши ва университетнинг ҳамкорликдаги лойиҳаси доирасида кенгаши йиғилиши ўтказилди.

Мажлиси вилоят фахрийлар кенгаши раиси Женисбек Мауленкулов олиб борди. Тадбирда университет деканлари, кафедра мудирилари ва талабалар иштирок этишди.

Мажлис ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг 15 март куни Атиров шаҳрида ўтган Миллий қурултойдаги маърузасига бағишланди. Дастлаб, дорилфунуннинг Тарбиявий иш ва ёшлар сиёсати департаменти директори, тарих фанлари номзоди Қайрат Анарбаев “Миллий онг экологияси” мавзусида маъруза қилди.

Жамоат арбоби, ҳуқуқшу-

нослик фанлари доктори Бекет Турғараев Давлат раҳбари тилга олган олти қадриятнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиди. Кун тартибидеги иккинчи масала – вилоят фахрийлар кенгаши қошидаги “Оталар мактаби” тўғрисида А. Сапарбеков, бошланғич синфларда қадриятларни ўзлаштириш бўйича университетнинг катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди Ж. Қуатов маъруза қилди. Вилоят фахрийлар кенгаши аъзоси, Саригоч туман фахрийлар кенгаши раиси Мустапа Сулейменов ҳам Давлат раҳбарининг Миллий қурултойдаги маърузаси юзасидан фикрлари билан ўртоқлашди.

Вилоят фахрийлар кенгаши раиси Ж. Мауленкулов жамият тараққиёти, рағбат, келажакка ишончнинг мустаҳкам бўлиши ҳамда ёшларнинг маданий-ижтимоий савиясига боғлиқлигини таъкидлади.

Мажлис сўнггида туман, шаҳар фахрийлар кенгашлари ва “Оталар мактаби” раислари ҳамда “Бувилар кенгаши” раислари тегишли ўқув масканларининг раҳбарлари, ўқитувчи билан ҳамкорликда ёш авлод тарбияси ва миллий қадриятларни тарғиб қилиш ишларини жонлантириши юзасидан қарор қабул қилинди.

Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.

»» Ш. Ниёзов номли мактабнинг 90 йиллиги олдидан

## РАМАЗОН ОЙИДАГИ ХАЙРЛИ ИШЛАР



10 кунлик “Наврўзна” тадбирлари хайрли ишлар билан давом этмоқда.

Жорий йилда 90 йиллиги нишонланадиган Туркистон шаҳрида Ш. Ниёзов номли умумтаълим мактабиде “Хайрия кун” ўтказилди. Шу кун мактаб маъмурияти ва жонкуяр ҳомийлар томонидан кам таъминланган, кўп фарзандли оилаларга кийим-кечак, озиқ-овқат саватлари тақдим этилди. Ушбу хайрия акцияси Рамазон ойида давом этиб, ибратли жиҳатлари билан барчага манзур бўлмоқда.

Лола ТОШМЕТОВА,  
Ш. Ниёзов номли умумтаълим мактабининг социологи.  
Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

»» Муаллим минбари

## АРАЛАШ МАКТАБЛАРДА ДАВЛАТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ



Кўп тилни билиш – замон талаби. Шунингдек, Қозоғистонда истиқомат қилаётган бошқа миллат вакилларининг давлат тилини мукамал билиши давлатни ривожлантиришга ёрдам беради. Кўп тиллилик – бу ҳаётини заруратдан келиб чиқадиган ҳодиса. Қай замонда бўлмасин, бир нечта тилни ўзлаштирган давлатлар ва халқлар ўзларининг алоқа ва интеграция қобилиятларини кенгайтирганлар.

ишлари лойиҳасининг мақсади қозоқ тилининг давлат тили сифатида тўлақонли фаолиятини таъминлаш, тил маданиятини юксалтириш, асосий фанларни мақсадли тилда (қозоқ) ўқитишда ўқувчиларнинг билим сифатини оширишдан иборат.

Халқ маънавий-маданий қадриятлар билан сўғорилиши учун ўз она тилини билиши шарт. Ҳар бир инсон ўз тилида гапириш, билим олиш ҳуқуқига эга. Чунки у она тилида фикрлайди, орзу қилади, шодланади. Ваҳоланки, Қозоғистонда истиқомат қилаётган барча

«Қозоғистон Республикасидаги тил сиёсатини амалга оширишнинг 2020-2025-йилларга мўлжалланган давлат дастури»нинг 2.2-рақамли вазифасида давлат ва нодавлат шўба ташкилотларида қозоқ тилини ўзлаштириш даражасини ошириш учун услубий ёрдам

туллаев номидаги умумтаълим мактаблар; Саврон туманига қарашли А. Югнакий, Тўлебий, Х. Яссавий номидаги, «Турон» ва «Қорачиқ» умумтаълим мактаблари, Сайрам туманидаги З. Бобур, М. Аюезов, Ҳамза, М. Улуғбек, С. Раҳимов, Фурқат; А. Музрапов ва Жамбил номидаги, “1 май”, “Манкент” умумтаълим мактаблари лойиҳа доирасида фаол иш олиб бормоқда.

Марказ режасига кўра, юқорида қайд этилган мактаб педагоглари билан қатор тадбирлар ўтказилди.

Ахборот технологиялари ривожланган даврда кўп тилларни ўрганиш имкониятлари чексиз.

Бир халқнинг маданиятини бошқа халқ маданияти билан таққослаш орқалигина дунё манзарасини ранг-баранг ва яхлит кўриш имконини берадиган миллий маданиятнинг барча хусусиятлари ва қадриятларини хис қилишга имкон бўлар эди. Хусусан, иккинчи тилда сўзлаш нафақат бошқа тилни қўллаш, балки ўзга миллий маданият ва руҳияти доирасига киришга ҳаракат қилиш демакдир. Мухтасар қилиб айтганда,



миллат вакиллари ўз она тилини сақлаган ҳолда, давлат тилини босқичма-босқич ўрганишса, келгуси ҳаётида, албатта, улкан муваффақиятларга эришадилар.

«Авлодлари билимли халқнинг истиқболли порлоқ бўлади» деганларидек, ёш авлодга онгли, мазмунли, маънавиятли тарбия ва билим бериш бугунги куннинг талабидир. Тил инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Бу танишиш, ўзаро тушуниш, тараққиёт воситасидир. Қозоғистонда истиқомат қилувчи бошқа миллат вакилларининг давлат тилини билиши мамлакатимизнинг халқро муносабатларини ривожлантириш имконини берувчи шахсларо ва маданиятлараро муносабатларнинг ўта муҳим воситасидир.

Туркистон вилоят «Таълимни ривожлантириш маркази» жамоаси ташаббуси билан «Аралаш мактабларида давлат тилини ўқитиш сифатини ошириш» мавзусидаги 2023-2025 йилларга мўлжалланган ижодий-изланиш



кўрсатиш зарурлиги айтилган.

Лойиҳа этник гуруҳлар фуқароларининг ўз она тили ва маданиятини сақлаган ҳолда давлат тилини ўзлаштириши учун асос бўлиб ҳисобланади. У вилоят педагоглари ва ўқувчиларига мўлжалланган.

Лойиҳада 100та мактаб иштирок этмоқда. Улар орасида Кентов шаҳридаги М. Қошғарий номидаги мактаб-лицейи етакчилик қилмоқда. Туркистон шаҳридаги 2-сонли Ҳамза, 20-сонли Р. Исатов, 13-сонли А. Навоий, С. Раҳимов ва Е. Иза-

Қозоғистонда турли миллат вакиллари ўз тилини ҳурмат қилган ҳолда давлат тилида эркин сўзлашишга эришсалар, Янги Қозоғистоннинг рағбатига улкан ҳисса қўшишларига ишончимиз комил.

Шаҳноза АЛИАКБАРОВА,  
Туркистон вилоят таълим бошқармаси «Билим беришни ривожлантириш маркази»нинг «Умумий фанлар» кафедраси ўзбек ва тожик тили ва адабиёти фанлари услубиятчиси.

## ҲАФТАЛИК ИҚТИДОРЛИЛАРНИ КАШФ ЭТДИ

Қарноқ қишлоғидаги 11-сонли «Ақын тумани» умумтаълим мактабиде меҳнат, musiқа фани бирлашмасида «Хунар – хунардан унар» мавзусида ажойиб ҳафталик ўтди.

Уни ушбу фан муаллимлари мамнуният билан қарши олишди. Тадбирдан мақсад – меҳнат ва musiқа фанларига ўқувчиларнинг қизиқишларини ошириш, олинган билимларини мустаҳкамлаш, ўқувчиларда санъат ҳақидаги тушунчаларини шакллантириш, меҳнатсеварликка



тарбияладан иборат эди. Давр талабига мос кўргазмалар, интерфаол ўйинлар билан ҳамкасб ва ўқувчиларнинг эътиборини қозонишди. Топшириқларни фаол даражада бажарган ўқувчилар совғалар билан тақдирланди.

Ш. Баделова, Х. Ҳамидов, С. Мирзанеъматов, А. Азизова ушбу тадбирдан барча мамнун бўлди.

Ойдинниса ВАФОЕВА,  
11-сонли «Ақын тумани» умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

Директор – Бош муҳаррир  
Райимжон Ортықбой ўғли  
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ.  
Авазхан БҮРҢОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.  
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.  
Тўлебий – Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.  
Қазигурт – Хуршид ҚЎЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.  
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90  
Тулқибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.  
Жетисай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97  
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТӨЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирүүларида факт ҳамда далилларнинг тўрилиши учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.  
• Фоддаланилган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.  
КЗ34VРУ00022503 сувоҳнома берилган.

«ERNUR-online» МЧБ Босмаҳонасида чоп этилди.  
Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Бюроғим: 778.

Нашр кўрсатқичи – 65466.

Адади – 11700 нусха.

Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.